341-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ КАРОРИ

341 Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг хар йилги мониторингини олиб бориш тартиби туррисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 25 июнда руйхатдан утказилди, руйхат рақами 2470

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 453-модда) 8-бандига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

- 1. Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг хар йилги мониторингини олиб бориш тартиби турисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Б. ХОДИЕВ

 ${
m Toшkeht\ }$ ш., 2013 йил 3 июнь, 27-сон

Давлат тест маркази директори

Б. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш., 2013 йил 3 июнь, 18-сон 26 (578)-сон — 51 —

341-модда

Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг хар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тугрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон «Олий таълим муассасалари педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 453-модда), 2006 йил 16 февралдаги 25-сон «Педагог кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда) қарорларига мувофиқ, олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари бўйича ўқитиш сифатининг ҳар йилги мониторингини (бундан буён матнда мониторинг деб юритилади) олиб бориш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

I боб. Умумий қоидалар

- 1. Мониторинг ҳар ўқув йили давомида амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (бундан буён матнда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини ҳайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази (бундан буён матнда Бош илмий-методик марказ деб юритилади), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази (бундан буён матнда Ривожлантириш маркази деб юритилади) ҳамда олий таълим муассасалари (бундан буён матнда ташкилотчилар деб юритилади) томонидан ўтказилади.
- 2. Мониторингнинг асосий мақсади олий таълим муассасаларида таълим сифатига педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш натижаларининг таъсирини ўрганиш ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартлари талаблари асосида



341-модда

намунавий ўкув режа ва дастурларни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чикишдан иборат.

3. Мониторинг жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

давлат таълим стандартлари талаблари асосида талабаларнинг ўкув режадаги фанларни ўзлаштириш даражасига таъсир этувчи омилларни ўрганиш;

педагог кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини ва уларнинг юқори малакали кадрларни тайёрлаш буйича фаолиятини таҳлил қилиш;

тупланган маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва улар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш.

II боб. Мониторингни ташкил этишнинг асосий йўналишлари ва ташкилотчиларнинг вазифалари

4. Мониторинг жараёнида қуйидаги масалалар ўрганилади:

қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагог кадрлар дарс бераётган академик гурух талабаларининг ўкув режадаги фанларни ўзлаштириш даражаси ва сифатини тест синовлари хамда рейтинг назорати қайдномалари асосида таҳлил қилиш;

малака оширишдан ўтган педагог кадрлар томонидан очик, махорат ва кўргазмали дарслари ўтказилганлиги хамда уларнинг фаолиятини кафедра йиғилишларида мухокама қилинганлиги ва оммалаштирилганлиги;

малака оширишдан ўтган педагог кадрларнинг ўкув ва ишчи режалари, ўкув дастурлари, таълимни узлуксизлигини таъминловчи малакавий талаб ва тартиблар хамда бошқа ўкув методик хужжатларни такомиллаштиришга доир таклифлари;

педагог кадрлар томонидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялари буйича эгалланган янги билим ва малакаларнинг таълим тизимига жорий этилганлиги;

педагог кадрларнинг халқаро ва республика миқёсида эришган ютуқлари, уларнинг ўқув методик, илмий ва ижодий фаолияти натижалари;

педагог кадрларнинг шахсий иш режасида ўзининг касбий компетентлик даражасини узлуксиз ошириб боришига оид мустақил ишлари мавжудлиги ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги;

педагог кадрларнинг замонавий таълим усулларидан ўкув жараёнида фойдаланиш даражасини талабалар орасида анкета сўровлари асосида аниклаш.

- 5. Мониторинг ўтказиш жараёнига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош илмий-методик марказ, Ривожлантириш маркази ва тегишли малака ошириш муассасаси масъул вакиллари хамда олий таълим муассасаларидан экспертлар жалб килинади.
 - 6. Мониторинг жараёнида ташкилотчиларнинг вазифалари:
 - а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

мониторинг жараёнида иштирок этадиган ишчи гурухлар фаолиятини ташкил этади ва бошқаради;



олий таълим муассасалари томонидан такдим этилган тест саволларини тегишли фан дастурларига мослиги юзасидан экспертиза килган холда Давлат тест марказига юборади;

мониторинг натижаларини тегишли олий таълим муассасасида эълон килади хамда олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанларини укитиш сифати буйича хулоса тайёрлайди;

мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанларини ўқитиш сифатини ошириб бориш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

б) Давлат тест маркази:

тест синовларини ташкил этади ва ўтказади, Давлат тест маркази вакиллари, аудитория рахбари ва кузатувчиларни шакллантиради хамда жойларга тақсимлайди;

тест синовлари натижаларини чиқаради ҳамда уларни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

в) Бош илмий-методик марказ:

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича ягона электрон базани шакллантиради, мониторингни амалга оширишга хизмат қилувчи ягона электрон ахборот тизимини ишлаб чиқади ва жорий этади;

мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик ҳужжатларини ишлаб чиқади;

малака оширишнинг таълим жараёни сифати ва натижаларини таҳлил килади, олий таълим муассасалари билан биргаликда ӱқув методик материаллар тайёрланишини, шунингдек мазкур йўналиш бўйича минтақавий ва тармок марказларида семинар-тренинглар ташкил этилишини таъминлайди.

г) Ривожлантириш маркази:

олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг мониторингини олиб бориш юзасидан махсус жадвалларни ва анкета суровномаларини ишлаб чикади;

мониторинг натижалари буйича олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда таълим йуналишлари ва мутахассисликлари, давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда намунавий уҳув режа ва дастурларини такомиллаштириш буйича таклифлар ишлаб чиҳади.

- д) олий таълим муассасалари ҳар йили 20 январдан кечиктирмай ӱҳув дастурига мос келадиган, ҳар бир мутахассислик фанлари буйича 120 тадан кам булмаган тест саволларини тайёрлайди ва Бош илмий-методик марказга тақдим этиб боради.
- 7. Олий таълим муассасаларида мониторинг ўтказиш режаси Бош илмий-методик марказ томонидан ишлаб чиқилиб, Давлат тест маркази билан келишилгандан сўнг Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланади.
- 8. Тест синовларини ўтказиш билан боглиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблаглари хисобидан қопланади.



341-модда

III боб. Мониторингни ўтказиш

- 9. Мониторинг ўкув йили давомида танланган олий таълим муассасаларида бир марта ўтказилади.
 - 10. Мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

фанни талабалар томонидан ўзлаштириш даражаси ва сифати тўгрисидаги маълумотларни олиш учун таълим йўналишлари ва мутахассисликларини хисобга олган холда Давлат тест маркази танлови асосида қайта тай-ёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагог кадр дарс бераётган академик гурухдаги беш нафар талаба иштирокида тест синови ўтказилади;

педагог кадрнинг дарс бериш сифати, унинг илмий салохияти, тажрибаси, ўкув жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этганлиги, мавзуни талабаларга етказиб бериш буйича фикр-мулохазаларини ўрганиш мақсадида тегишли академик гурух талабаларидан анкета суровлари ўтказилади;

талабаларнинг ўқув фанларидан ўзлаштириш даражаси ва сифатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш учун ишлаб чиқилган махсус жадвал (шакл)лар асосида ушбу олий таълим муассасасидан маълумотлар тўпланади, бунда педагогларнинг йиллик ўқув методик ишлари, малака ошириш натижасида таълим сифатини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-услубий фаолияти, шунингдек илмий лойихалар ва грантлардаги иштироки, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги фаолияти ўрганилади;

малака оширишдан ўтган педагог кадрларнинг таълим дастурлари ва бошқа ўқув методик хужжатларни такомиллаштириш бўйича берган таклифлари ўрганилади;

малака оширишдан ўтган педагог кадрлар дарс бераётган академик гурух талабаларининг билим сифати ва натижалари рейтинг назорати қайдномалари асосида таҳлил қилинади;

педагог кадрларнинг халқаро ва республика миқёсида эришган ютуқлари, улар томонидан малака ошириш мобайнида ўқув методик, илмий, ижодий фаолияти натижалари ва тажрибаси асосида очиқ, кўргазмали ва махорат дарслари ўтказилганлиги, уларнинг фаолияти кафедра йигилишларида мухокама қилинганлиги ҳамда оммалаштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади;

педагог кадрлар томонидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялари буйича эгалланган янги билим ва малакаларини таълим тизимига жорий этилганлиги урганилади;

педагог кадрнинг шахсий иш режасида ўзининг касбий компетентлик даражасини узлуксиз ривожлантириб боришига оид тадбирларнинг мавжудлиги ҳамда уларни амалиётга татбиқ этилганлиги буйича маълумотлар ўрганилади.

11. Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг мониторинги мазкур Низомнинг иловасида келтирилган курсаткичларга мувофик аникланади.



26 (578)-сон — 55 — 341-модда

- 12. Қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагог кадрлар фаолияти улар малака оширгандан кейин камида олти ой ўтгач, ўрганилади.
- 13. Мониторингни ўтказувчи ишчи гурухига педагог кадрларнинг фаолиятини ўрганиш бўйича такдим этилган барча маълумотларнинг аниклиги ва ҳаққонийлиги учун олий таълим муассасаси раҳбари масъулдир.
- 14. Мониторинг натижалари, хулоса ва таклифлар Бош илмий-методик марказ томонидан умумлаштирилади ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига такдим этилади.
- 15. Ўтказилган мониторинг натижалари, унда иштирок этган ҳар бир педагог кадр фаолиятининг кўрсаткичлари ва талабаларнинг ўзлаштиришлари ҳақидаги маълумотлар ва тавсиялар тегишли олий таълим муассасаси раҳбариятига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилади ва олий таълим муассасаларида педагог кадрларнинг рейтингини аниқлашда фойдаланилади.
- 16. Олий таълим муассасаларида тегишли таълим йўналишлари бўйича мониторинг натижалари қониқарсиз (малака оширишдан ўтган педагог кадрларнинг 55 фоизидан ортигининг фаолияти қониқарсиз деб топилганда) бўлган қолларда мазкур йўналиш бўйича малака ошириш курслари фаолияти қониқарсиз деб топилади.
- 17. Мониторинг натижаларига кўра, барча йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ўтган педагог кадрлар фаолияти қониқарсиз деб топилганда, бириктирилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаси навбатдан ташқари аттестацияга жалб қилинади. Фаолияти қониқарсиз деб топилган педагог кадрларга нисбатан меҳнат тўгрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

IV боб. Якуний қоида

18. Мазкур Низом Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қумитаси, Узбекистон Бадиий академияси, «Узбекистон темир йуллари» Давлат акциядорлик темир йул компанияси, Давлат солиқ қумитаси ва «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2013 йил 3 июнь

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2013 йил 3 июнь



341-модда **— 56 —** 26 (578)-сон

Маданият ва спорт ишлари вазири

М. ХОДЖИМАТОВ

2013 йил 3 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2013 йил 3 июнь

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазири

3. РЎЗИЕВ

2013 йил 3 июнь

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси

Х. МИРЗАХИДОВ

2013 йил 3 июнь

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси

А. НУРИТДИНОВ

2013 йил 3 июнь

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси Бошқаруви раиси

A. PAMATOB

2013 йил 3 июнь


Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

2013 йил 3 июнь

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси Бош директори К. САНАКУЛОВ

2013 йил 3 июнь





Олий таълим муассасаларидаги таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг хар йилги мониторингини олиб бориш тартиби тугрисидаги низомга ИЛОВА

341-модда

Таълим дастурлари фанлари буйича укитиш сифатининг мониторинги КУРСАТКИЧЛАРИ

- 1. Малака оширишдан ўтган педагог кадр дарс бераётган, жумладан мутахассислик ўкув фанлари дастурини талабалар томонидан ўзлаштириш даражаси ва сифат кўрсаткичи тест синовлари орқали аниқланади. Тест натижалари олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимига асосан 100 баллик тизимда баҳоланади ва унда 56 ва ундан юқори балл тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб хисобланади.
- 2. Тест синовлари натижаларига кура, сифат курсаткичига эришган талабалар сони тестда қатнашган талабаларнинг умумий сонига булиниб, 100 га купайтирилади. Педагог кадр фаолияти эришилган натижалар асосида ушбу курсаткич буйича 0 50 балл оралиғида баҳоланади.
- 3. Малака оширишдан ўтган педагог кадр дарс бераётган, жумладан умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича республика ва халқаро микёсда ўтказилган олимпиада, спорт мусобақаси ва бадиий кўргазмаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаганлар сони малака оширишдан ўтган педагог кадр фаолиятини баҳолаганда ҳар бир совриндор учун: республика микёсида 3 балл, халқаро микёсда 5 балл берилади, тўпланган балл = (3nc + 5nc) х 100/гурухдаги талабаларнинг умумий сонига бўлинган ҳолда ҳисобланади ва натижа 0 15 балл оралигида баҳоланади.
- 4. Педагог кадрларнинг илмий-тадкикот ишларида ва патентлар олишда катнашганлиги 0-3 балл, ихтиро ва рационализаторлик таклифлар мавжудлиги 0-3 балл, моделлар ва дастурлар яратишда бевосита иштирок этганлиги 0-3 балл, монография ва илмий маколалари чоп этилганлиги 0-3 балл, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга доир ўкув-меъёрий хужжатлар ишлаб чикишда катнашганлиги 0-5 балл, очик маърузалари ташкил этилиб, кафедралар йигилиши карори билан фаолияти оммалаштирилганлиги 0-5 балл билан бахоланади. Педагог кадрларнинг маблаг билан таъминланган илмий-тадкикот ишлари учун кўшимча 3 балл берилади. Натижалар умумлаштирилиб педагог фаолияти 0-25 балл оралигида бахоланади.
- 5. Малака оширишдан ўтган педагог кадр томонидан яратилиб, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари хузуридаги муассасалараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиклаштирувчи кенгаш карори билан нашр этилган ҳар бир дарслик ва ўкув кўлланма учун 5 балл ҳамда икки ва ундан ортик дарслик ва ўкув қўлланма учун 10 балл берила-



26 (578)-сон

ди. Дарслик ва ўкув кўлланма бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлса, бир сони муаллифлар сонига бўлинган холда хисобланади. Натижалар умумлаштирилиб педагог фаолияти 0 — 10 балл оралигида бахоланади.

- 6. Тегишли таълим йуналиши буйича қайта тайёрлаш ва малака оширишдан утган педагог кадр томонидан тупланган умумий баллар 56 дан паст курсаткични ташкил этган холда унинг фаолияти қониқарсиз деб хисобланади.
- 7. Олий таълим муассасасининг тегишли таълим йуналиши буйича фаолияти ўрганилган педагог кадрлар томонидан тупланган баллар йигиндиси педагог кадрлар умумий сонига нисбати ўртача 56 баллдан паст курсаткични ташкил этган холда мазкур йуналиш фаолияти қониқарсиз деб топилади.